



30

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Чалобод қо'ғ'они  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самарқандского района, Самаркандской области  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

015 у.г. «31» декабр

№ 1890-К

Самарқанд тумани «Даштакиболо» қишлоқ фуқаролар йиғини «Мароқанд агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Барноев Азаматга идора ашёлари сотиш дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа тўғ'риқўбилар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғ'рисида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғ'рисида»ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, «Самарқанд фуқаролар йиғини» масъулияти чекланган жамиятининг 2015 йил 09 апрелдаги № 29 сонли қарорлари, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2015 йил 05 декабрдаги 13 сонли ҳулосаси ва фуқаро Барноев Азаматнинг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд тумани «Даштакиболо» қишлоқ фуқаролар йиғини «Мароқанд агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 427 контуридан фуқаро Барноев Азаматга идора ашёлари сотиш дўкони қуриш учун жами 72 кв метр (шундан: 72 кв метр қишлоқ хўжалигида қўйдаланилмайдиغان) ер майдони ажратилсин.
3. фуқаро Барноев Азаматга идора ашёлари сотиш дўкони бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат инспекцияси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га таъминлансин.
5. фуқаро Барноев Азамат томонидан «Ер кодекси»нинг 36-моддаси талаблари бузилган ҳолатда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Курбанов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров